Карбонсувларнинг организмдаги аклий ва жисмоний иш қобилятни ошириши биринчи навбатда уларнинг осонгина энергия бериши билан белгиланади. Яъни карбонсувларнинг мономерлари ҳисобланган глюкоза, фруктоза ва бошқалар жигарда, мускулларда гликоген сифатида запас туланади. Уларнинг айнан гликоген сифатида запас тулланишининг биологик аҳамияти жуда катта. Чунки организм турли экстремал омиллар таъсирига учраганда, аввало оғир ва давомли жисмоний машқлар пайтида айнан ана шу гликоген тезлик билан парчаланиб, осонгина глюкоза ва фруктоза молекулаларига айланади. Натижада организм булардан энергия манбаи сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари углеводларнинг бир тури бўлган мукополисахаридлар бугимларнинг ёғловчиси сифатида эътироф этилади. Яъни организм қупдан қуп ҳаракатларни амалга оширган пайтда ёки фаол равишда жисмоний фаолият билан машғул бўлган вақтларда ҳаракатчан суяқларни бирлаштириб турган бугимлар ишқаланади ва кизиб кетишга мойиллик туғилади. Бундай ҳолатнинг юзага келмаслиги учун бугимларда махсус синовиал суюқлик мавжуд. Карбонсувларнинг вакили мукополисахаридлар ана шу синовиал суюқликларнинг таркибига қиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, карбонсувлар ичида енгил ҳазм бўладиганлари алоҳида аҳамиятга эга. Буларга таркибида глюкоза, фруктоза қуп микдорда мавжуд бўлган озик моддалар қиради. Масалан, асал, турли мева-чевалар, полиз махсулотлари ва бошқалар ана шундай енгил ҳазм

булувчи ва осон энергия берувчи озик моддалардан булиб саналади. Уларни куп микдорда ейиш хам жиддий окибатларга олиб келмайди.

Одатда конда хар доим глюкоза мавжуд булади (ички мухитнинг доимийлигини сакловчи омиллардан бири сифатида). Унинг кондаги микдори 80-120 мг% га тенг. Бирор сабаб билан кондаги глюкозанинг микдори камайиши организмда жиддий окибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли кондаги глюкоза микдорининг меъёрийлигини таъминлаш учун карбонсувларга бой таомларни хар куни истеъмол киламиз. Одам ейдиган озик-овкат махсулотларининг деярли хаммасида карбонсувлар мавжуд. Биз куп ейдиган таомларда ва озик моддаларда эса карбонсувлар анчагина куп. Масалан, нон, ун ва хамир махсулотлари, макарон, мева-чевалар, полиз махсулотлари, барча усимлик махсулотлари ва бошкалар таркибида углеводлар анчагина куп. Шу сабабли карбонсувларга булган талабимиз етарли даражада кондирилиб туради. Бирок иш кобилияти юкори буладиган спортчиларда кунлик рацион билан кабул килинадиган карбонсувлар микдори тегишли микдорда оширилиши шарт. Акс холда спортчида чарчаш, ланжлик, тезкорликнинг ва чидамлиликининг пасайиши ва иш кобилиятининг сусайиши каби холатлар юзага келади. Бунинг устига юкорида таъкидлаб утилганидек, карбонсувларнинг етарли булиши спорт машкларида энг мухим хисобланган бугимларнинг яхши ишлаши учун лозим.

Одатда спортчиларнинг иш кобилиятини ошириш учун полисахаридлар эмас, балки олиго- ва моносахаридларни купрок истеъмол килиш тавсия этилади. Чунки улар осон ва тез хазм булади, ошкозон-ичакларда узок муддат туриб колмайди. Улар спортчининг иш кобилиятини ошириб, унинг тезкорлик, чидамлилики, чакконлик сифатларини оширади, касалликлардан химоя килади, турли экстремал омилларга карши курашиш кобилиятини оширади ва хоказо.

Лекин шу билан бирга полисахаридларни хам керакли микдорда истеъмол килиш организм учун катта ахамиятга эга. Полисахаридларга инсон организмнинг табиий эхтиёжи анча юкори. Айнан ошкозон-ичак системаси



хам полисахаридларни ва полисахаридларга якин карбонсувларни тезрок парчалаб, суришга ихтисослашган. Шу туфайли хам спортчилар овкатида крахмал, клетчатка, пектин каби полисахаридларнинг булиши катта аҳамиятга эга.

Карбонсувларнинг кунлик рацион билан керакли вақтда қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Таъқидланишича (Спортивная медицина, под.ред. В.Л. Карпмана, Москва, 1987), спортчилар купрок микдордаги углеводларни юкламадан сунг 24-28 соат утгач қабул қилиниши керак. Одатда углеводлар кунлик рационнинг энг камида 60 % ни ташкил қилиши зарур. Тикланиш даврида эса умумий углеводлар микдорининг 64 % ни крахмал, 36 % ни оддий шакарлар ташкил этиши мақсадга мувофиқ (Яковлев Н.Н.). Оддий, яъни осон узлаштириладиган углеводлар тикланиш қобилятининг тезрок аслига қелишида катта аҳамиятга эга. Айниқса янги узилган мева-чевалар ва полиз маҳсулотлари катта юкламалар даврида кунлик рационнинг 15-20 % ни ташкил этиши лозим.

Шунингдек спортчиларда огир ва давомли жисмоний машқлардан кейинги тикланиш даврини тезрок утказиш учун (айниқса марафонча югуриш, велогонка, 30 ва 50 км лик чанги пойгалари даврида) глюкоза, инвентирланган шакар эритмаси, ширинрок чой, мева шарбатлари ва махсус тайёрланган аралашмалар берилади. Бундай аралашмалар ва суюқликларнинг таркибида спортчи организми учун зарурий моддалар ва компонентлар булади. Углеводларни бу тарика қабул қилишни дистанциянинг 10 км да ва шундан сунг хар 5-7 км да амалга ошириш тавсия этилади.

Бугунги кунга қелиб спорт медицинаси амалиётида турли аралашмалардан, таркибида организм учун зарурий компонентлар мавжуд бўлган турли аралашмалардан кенг фойдаланиш йулга қуйилмоқда. Бундай аралашмаларнинг таркибида углеводлар, хусусан енгил хазм буладиган углеводлар хам мавжуд. Зеро таъқидланганидек, углеводлар организмга тез ва осон энергия беради. Аниқланишича, организмда мускуллардаги ва жигардаги гликоген маълум чекланган микдорда булади. Яъни

мускуллардаги гликоген миқдори мускул массасининг 0,5-1 % ни ташкил этади. Жигарда эса (тула кийматли овкатланилганда ва энергия запаслари тулик тикланганда) 4 ёки 5 % ни ташкил этади. Углеводларнинг бундай запасларини айтиб утилган аралашмалар, махсус овкатлар оркали қупайтириш мумкин. Аммо шунга қарамасдан, углеводларни доимий равишда истеъмол қилиб туриш зарур (Спортивная медицина, под.ред. В.Л. Карпмана, Москва, 1987). Чунки организмга қуп миқдорда қабул қилинган қарбонсувларнинг ҳаммаси ҳам организмда, жумладан жағирда запас ҳолда тупланавермайди. Меъёридан ортиқча истеъмол қилинган углеводлар сийдик билан чиқариб юборилади.

Таҷрибаларнинг қурсатишича (Спортивная медицина, под.ред. В.Л. Карпмана, Москва, 1987), организмда жигарда гликоген запаси қанча қуп бўлса, организмнинг, жумладан, спортчининг иш қобилияти шунча юқори бўлади. Масалан, одатдаги аралаш диетада велоэргометрда жисмоний фаолликнинг жадаллиги 75 % бўлса ва тухтовсиз 114 минут давомида бажарилса, углеводларга бой овкат берилгандан сунг бу миқдор 167 минутга ошади. Оксилли-ёғли овкатга нисбатан эса атиги 57 минутга тенг бўлади. Биринчи ҳолатда гликоген миқдори 100 г мускул массасига нисбатан 1,75 г бўлса (яъни 1,75/100 г), иккинчи ҳолатда 3,51 г/100 г, учинчи ҳолатда эса 0,63 г/100 г га тенг бўлади.

Углеводларнинг мускуллардаги миқдори қанчалик қам бўлса, узок масофаларга юғуриш тезлиги ҳам шунча қам бўлади. Умуман олганда углеводларга бой бўлган овкат спортчиларнинг иш қобилиятини оширади, уларнинг иш унумдорлигини яхшилайти, спортчиларда тикланиш жараёнининг жадаллашишига олиб қелади ва хоказо.

### **3.4. ВИТАМИНЛАР ВА ОРГАНИЗМНИНГ ИШ КОБИЛИЯТИ**

Маълумки, витаминлар биз истеъмол киладиган овкатларнинг ажралмас табиий компоненти бўлиб ҳисобланади. Уларнинг энг муҳим жиҳати парчаланмаслиги ва энергия бермаслиги, колаверса, пластик материал сифатида фойдаланилмаслигидир. Бирок витаминларнинг организмдаги урни бекиёс. Улар организмда юз берадиган барча физиологик ва биокимёвий жараёнларда иштирок этади, моддалар алмашинувини амалга оширади ва назорат қилади, организмда барча хужайралар ва туқималар микёсида мураккаб функцияларни бажаради ва хоказо. Витаминлар етишгмаслиги организмда бир қатор касаликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Умуман олганда витаминларнинг организмдаги урни жуда муҳим.

Витаминлар шу билан бирга организмнинг иш қобилиятини оширади, чидамлилиқни ва мослашувчанлиқни кучайтиради, организмни ҳар хил экстремал омилларга бардошлилигини оширади, чиникишни таъминлайди, ҳаракатларнинг барқарорлигини таъминлайди, организмдаги барча жараёнларни идора этди ва хоказо. Хусусан, спортчилар организмда витаминларнинг роли муҳимдир. Зеро спортчиларнинг витаминларга бўлган талаби бошқа аҳоли гуруҳлариникига нисбатан 2-3 баравар, ҳатто баъзида 10 баравар куп бўлади. Мана шундан қуриниб турибдики, спортчи организмда витаминларнинг роли жуда катта.

Бир қатор витаминлар юқоридагилар билан бирга айнан спортчининг иш қобилиятини оширишга ёрдам беради. Одатда инсон организмнинг у ёки бу қисмидаги витаминлар миқдорини аниқ улчовлар воситасида улчаш мумкин эмас. Агар уларнинг аниқ миқдорини улчашнинг имқони бўлганда эди, жисмоний машқлар таъсирида уларнинг миқдори анча қамайганлигининг гувоҳи булар эдик. Масалан, қон таркибидаги аскорбин қислота, яъни С витамин миқдори жисмоний машқлардан сунг аниқланганда унинг деярли икки бараварга қамайганлигини кузатиш мумкин. Демак, жисмоний машқлар аскорбин қислотаси сарфланишини талаб этади. Бунинг устига спорт машқларини бажариш натижасида қон билан ажраладиган

аскорбин кислота микдори ҳам ошади. Бу ҳам аскорбин кислота сарфланиши жисмоний фаолиятга боғлиқ эканини курсатувчи далилдир. Масалан, марафонча югуриш, чанги спорти, гребля ва бошқа шу каби спорт турларида худди у ҳолатни кузатиш мумкин.

Тажрибаларда шу нарса исботланганки, тренировка йигинлари, машгулотлар пайтида спортчиларнинг овкати таркибига витаминлаштирилган сироплар ва витаминга бой булган махсус овкатлар, витаминли махсулотлар кушиб берилганда улар яхши спорт натижаларига эришишган, уларнинг иш қобилияти ошган. Улар врач назоратидан утганларида яхши ҳолатда, яхши спорт формасида эканликлари аниқланган. Бунда ҳисобга олинadиган асосий жиҳатлардан бири шуки, аскорбин кислота микдорини факат бир ёки икки марта ошириш билан чекланиб қолмасдан. Балки бу амалиётни бутун тренировка давомида бажариш янада самаралироқ натижа беради (Н.Н. Яковлев, 1954).

С витамин аслида организмда бундан бошқа ҳам талай функцияларни бажаради. У организмнинг иммун системаси ишини қучайтиради, қидамлилиқни оширади, бириктирувчи ва эпителий туқималарининг функционал фаоллигини таъминлайди. С витамин етишмаганда цинга касаллиги келиб чиқади. Бу тиш милқларининг функционаллиги бузилиши билан боғлиқ булган касалликдир. Шунингдек С витамин организмда туқималарнинг фаоллигини оширади, бир қатор ферментларнинг таркибига қиради, липаза ферментининг фаоллигини оширади ва ҳоказо.

Бирок қупгина тажрибалар С витаминнинг организм иш қобилиятини оширишдаги ролини тула тасдиқлайди. Юқорида келтириб утилган тажрибилардан ташқари яна С витаминнинг аҳамиятини урганиш учун бошқа бир қатор тажрибалар ҳам утказилган. Қуйида ана шу тажрибаларни келтирамиз.

Аниқланишича, С витамин организмдаги қупгина жараёнларни фаоллаштириб, мускулларнинг иш қобилиятини оширади, тез қарчаб қолишнинг олдини олади ва ҳоказо. Тажрибаларда бу ҳолатни исботлаб

бериш мумкин. Бунинг учун дастлаб оддийрок тажриба килиб куриб ишонч хосил килиш мумкин. Бунда намлииги юкори булган камерага баканинг изолирланган мускулини жойлаштираш ва унга таъсирот берсак (электр токи ёрдамида), дастлаб у нормал кискаради. Таъсирот беришни давом эттираверсак, борган сари кискариш кучсизланиб бораверади ва нихоят маълум муддатдан сунг мускул кискара олиш кобилятини йукотади, яъни у чарчайди. Шундан сунг мускулни аскорбин кислотали эритмага ботирамиз ва сунгра яна олдинги тажрибани кайтариб курамиз. Мускул яна кайтадан электр таъсиротларга тегишли жавоб кайтара бошлайди. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, аскорбин кислота, яъни С витаминли эритма мускулнинг чарчабини бартараф этди ёки унинг иш кобилятини тиклади, мускулдаги тикланиш жараёнини тезлаштирди.

Иккинчи тажрибада эса итни олиб уни механик равишда ҳаракатланувчи йулакда ҳаракатлантирамиз, токи ит чарчаб колгунгача чопишга мажбур киламиз. Сунгра эса итнинг венасига аскорбин кислота эритмасидан юборамиз. Тажриба яна такрорланганда итнинг иш кобиляти, унинг тикланиш тезлиги ошганлиги кузатилади.

Юкорида айтиб утилгандаги каби ҳолатларни одамларда ҳам кузатиш мумкин. Бунда шу нарсани таъкидлаб утиш мумкинки, тренировкадан ва мусобакалардан аввал аскорбин кислотасини қабул қилган спортчиларда иш кобиляти аскорбин кислотасини қабул қилмаганларга қараганда юкори булган.

Одамлар орасида оммавий кузатишлар ҳам юкоридаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди. Тренировка йигинлари пайтида кунлик рацион билан қушимча микдорда аскорбин кислотаси қабул қилган спортчи студентларда иш кобиляти, жисмоний фаоллик анча юкори булган, машқ қилганлик ҳолати яхшиланган. Бунинг учун уларга мандарин соки ва наъматак экстракти дамламаси берилган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, аскорбин кислотасини фақат машқлар ёки мусобака олдидан эмас,

балки бутун машк ва тренировка давомида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тренировка қилиш, машк қилганликнинг ўзи ҳам организмнинг аскорбин кислотасига бўлган талабини оширади. Бу ҳолатни ҳам ҳайвонлар ўстида ўтказилган тажрибаларда исботлаш мумкин. Денгиз чўчкачасидан икки гуруҳ танлаб оламиз. Уларнинг бир гуруҳини торроқ катакда сақлаймиз ва уларнинг ҳаракат қилиш имконияти чекланган бўлади. Иккинчи гуруҳни эса бир неча ой давомида мазсус катакда боқиб, уларни махсус мослама ёрдамида ҳаракатланишга мажбур қиламиз. Бу ҳаракатлар 1 минутдан 30 минутгача давом этиши лозим. Бунда уларга аскорбин кислотаси мавжуд бўлган овқатларни бермай қуямиз. Натижада қўп миқдорда ҳаракат қилган гуруҳдаги чўчкачаларда цингга касаллиги эртачироқ юзага келади. Ҳаракат қилмаган чўчкачаларда С витамин етишмаслигининг оқибати саналган цингга эса уларга нисбатан кечроқ юзага келади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, махсус тайёрланган, жисмоний фаоллиги юқори бўлган спортчилар сийдик билан қўп миқдорда С витамин ажратишади. Бу қадар қўп миқдорда йўқотилган аскорбин кислотасининг ўрнини қўплаш учун эса организмга етарли миқдорда С витамин қабул қилиниши шарт. Маълумотларга қараганда спортчиларнинг С витаминга бўлган талаби 110-115 мг, мусобақалар даврида эса ҳатто 250 мг га етиши мумкин.

Сувда эрувчи витаминлардан витамин В<sub>1</sub> ҳам организмда жуда муҳим функцияларни бажаради. Бу витамин таркибида азот ва олтингугурт мавжуд бўлиб, у асосан нерв системасининг ишини фаоллаштиради, қўзғалишнинг ўтишини яхшилайти, нерв мускул бирлигининг меъёрида ишлашига ёрдам беради ва ҳоказо. Шу билан бирга ўндан организм учун муҳим компонентлар ҳосил бўлади. Масалан, тиаминдан углевод алмашинувининг бошқарилишида қатнашадиган карбоксилаза ферменти ҳосил бўлади, бу фермент пирозум кислотанинг оксидланишини таъминлайди. Бу витамин

етишмаганда пирозум кислотасининг оксидланиши бузилади ва у организмда куп микдорда йигилиб қолиши мумкин. Натижада мураккаб занжир реакциялар йигиндиси юзага келади. Бунда организмни энергия билан таъминловчи асосий энергия манбаи булган АТФ синтезининг бузилиши кузатилади. Бунинг натижасида организм фаолиятида мураккаб патологик узгаришлар ҳосил бўлиб, иш қобилияти пасаяди. Биринчи навбатда нерв системасининг иши бузилади. Бу эса организмнинг ҳам жисмоний жihatдан, ҳам ақлий жihatдан чарчашига, иш қобилияти кескин пасайишига олиб келади. Мускуллар кучсизлашади, нерв толаларининг функционал хусусиятлари бузилади, охири-оқибат бери-бери касаллиги келиб чиқади.

Юқорида айтилгани каби тажрибалардан бирида чанги спорти билан шугулланадиган икки гуруҳ студентлар олинган. Уларнинг бир гуруҳига мусобакадан олдин  $V_1$  витамин препаратини қабул қилган. Иккинчи гуруҳ эса худди шу препаратнинг инактивацияланган (витамин  $V_1$  кучли босим остида ҳарорат таъсирида фаолсизлаштирилган) формасини қабул қилишган. Бунда ҳар иккала гуруҳ ҳам бир хил натижани қайд этишган. Врач назорати утказилганда ҳар икки гуруҳ ҳам яхши ҳолатда булганлиги аниқланган.

Навбатдаги тренировка йигинида эса яна икки гуруҳ чангичилар танлаб олинган, бунда энди уларги худди аввалгидек фаоллаштирилган ва тегишли усулда фаолсизлантирилган препаратларни бутун тренировка жараёни мобайнида қабул қилишган. Натижада фаол препарат қабул қилган гуруҳ аъзолари иккинчи гуруҳдан қур яхшироқ натижа қурсатишган, уларнинг организми ҳам аъло даражада булганлиги врач назорати остида аниқланган (Н.Н.Яковлев, 1954). Демак, витаминлар, айни мисолимизда витамин  $V_1$  спортчиларнинг иш қобилиятини оширишга ёрдам бериши. Шунини алоҳида қайд этиб утиш лозимки, витаминларга булган талаб спортчининг қайси спорт тури билан шугулланишига боғлиқ. Оғир меҳнатни, катта юкларни талаб этадиган спорт турларида спортчининг иш қобилиятини ошириш учун

шунга мос равишда истеъмол килинадиган витаминлар микдори ҳам купайтирилиши лозим.

Юкоридагига ухшаш мисолларни бошқа витаминлар мисолида ҳам куриш мумкин. Масалан, А витамин, яъни ретинол спортчиларда куриш билан боглик булган жараёнларни, шунингдек, тукималарнинг фаоллигини, структуравий бутунлигини таъминлаб туриш каби вазифаларни бажаради, ёш спортчиларда эса усиш ва ривожланиш билан боглик жараёнларда катнашади. Фаолиятида куриш жараёни мухим урин тутадиган спортчилар учун айникса А витамин купрок истеъмол килиниши лозим. Бокс, кураш каби спорт турлари билан шугулланувчиларда эса А витамин тери копламасининг структуравий бутунлигини таъминлашда мухим ахамиятга эга. Овкат таркибида А витамин микдорининг оширилиши ҳам спортчининг иш кобилиятини оширади, унинг усиш ва ривожланишини тезлаштиради ва хоказо. Аксинча А витамин етишмаганда усиш ва ривожланишдан оркада колиш кузатилади.

Сувда эрувчи витаминлардан яна бири В<sub>2</sub> витаминнинг етишмаслиги ҳам оксидланиш реакцияларининг бузилишига, бир катор хужайра ва тукималарда оксил синтезининг издан чикишига сабаб булади. Бу витамин етишмаслигининг окибатлари турли туман (камконлик, теридаги, сочлардаги узгаришлар, хазм канали фаолиятининг бузилиши ва бошқалар). Буларнинг хаммаси биргаликда кишиларнинг иш кобилияти пасайишига сабаб булади.

Кишиларнинг иш кобилиятини оширишда Д витаминнинг урни алохида. Бу витамин организмда кальций ва фосфор элементларининг алмашинувини бошқариб туради. Д витамин етишмаганда суяклар таркибидаги айтиб утилган минерал моддалар конга чиқариб юборилади ва натижада суякларнинг каттиклиги, эластиклиги йуқолиб, улар мурт, эгилувчан, тез синувчан булиб қолади. Бу рахит касаллиги хисобланади. Рахит касаллигига учраган одамнинг спорт билан, умуман огир жисмоний меҳнат билан шугулланиши кийин. Суяклар фаолиятининг бу тарика



узгариши мускуллар фаолиятига ҳам таъсир этмасдан колмайди. Натижада организмнинг иш қобилияти пасаяди.

Д витаминнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у организмда қуёш нури таъсирида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунда теридаги холестерин ҳосиласи бўлган моддадан қуёш нури таъсирида Д витаминнинг ҳосиласи юзага келади. Шу сабабли Д витамин етишмовчилигини қуёш ваннаси ёрдамида бартараф этиш мумкин. Айниқса, спортчиларда бунинг аҳамияти катта.

Спортчиларнинг иш қобилиятини кутаришда, уларнинг чидамлилигини оширишда Е витаминнинг урни ҳам бекиёс. Маълумки, бу витамин асосан қупайиш билан боғлиқ жараёнларда фаол иштирок этади. Шу билан бирга унинг асосий ва муҳим вазифаларидан бири мускуллар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш бўлиб саналади. Е витамин мускулларнинг иш қобилиятини ва мускул массасини кескин оширади. У мускулларда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнларини жадаллаштиради. Аниқланишича, овқат таркибида Е витамин қуп бўлганда ёки етарли миқдорда бўлганда мускулларнинг массаси ва қучи ортиб боради, спортчининг иш унумдорлиги, чидамлилиги, чакқонлиги ва бошқа хусусиятлари ривожланиб боради. Аксинча, Е витамин етишмаслигидан мускуллар қучсизланиб, уларнинг таркибидаги озик моддаларнинг узаро нисбати, мускуллардаги оксил моддалар. хусусан актин ва миозинлар миқдори пасаяди, мускуллар огиррок ишни бажаришга қийналади, умуман олганда спортчининг иш қобилияти кескин пасайиб кетади. Илмий тил билан айтганда мускуллар дистрофияга учрайди, атрофияланади, мускуллардаги оксил ва углевод-фосфор алмашинуви чуқур бузилишларга дучор бўлади.

Одатдаги шароитларда организмларда Е витамин етишмаслиги деярли қузатилмайди. Бирок лаборатория шароитида ҳайвонларни махсус диетада боқиб, уларда Е витамин тақчиллигини юзага келтириш мумкин. Бунда ҳайвонларда юкорида айтиб утилган узгаришлар содир бўлади (биринчи навбатда мускуллар тонуси пасайиб, уларнинг атрофияланиши қузатилади).

Агар бундай хайвонлар рационига Е витамин кушиб берилса, уларда мускуллар фаолиятидаги бузилишлар аста-секин асл холига кайтади. Бирок Е витамин етишмаслиги узок давом этадиган булса, организмда кайтариб булмайдиган узгаришлар юзага келиши мумкин.

Шуни алохида таъкидлаб утиш лозимки, спорт машкларининг хаммаси одамнинг витаминларга булган талабини бир хилда оширмайди. Спорт машгулотлари канчалик мураккаб ва огир булса, кишининг витаминларга булган талаби шунча юкори булади. Масалан, чакконликни, кучлиликини, огир жисмоний кучни талаб этадиган машк турларида айникса, витаминларга булган талаб юкори булади. Бунинг устига спортчиларнинг витаминларга булган талабини аниклашда об-хавони ва иклим шароитларини хам хисобга олиш махсадга мувофик булади.

### 3.5. МАЪДАНЛИ МОДДАЛАР ВА ОРГАНИЗМНИНГ ИШ КОБИЛИЯТИ

Инсонларнинг оvsатида асосий озис моддалари хисобланган осиллар, ёђлар ва карбонсувлар санчалик катта аќамиятга эга б? лса, озис-овсат, сув ва атмосфера ќавоси билан танага сабул силинадиган маъданли моддалар ќам шунчалик муќимдир. Организмда уларнинг тегишли меъёрдан кам ёки к? п б? лиши турли ? зига хос хасталиклар юз беришига олиб келади. Лекин шунга сарамасдан маъданли моддаларнинг одам ќаётидаги ? рни, танада кечадиган тириклик жараёнларидаги биологик моќияти нисбатан ясин вастлардан бери ? рганила бошланди ва бундай фаолият асосан у ёки бу касалликларни даволаш, олдини олиш билан бошланди. Масалан, Х1Х асрнинг ? рталарида йод элементи унинг бусос касаллиги билан бођлислиги туфайли, темир ва мис эса камсонлилик (анемия) сабабли 60 йилдан к? прос васт олдин батафсил текширила бошланди.

Маъданли моддаларнинг энг мухим жихати уларнинг таъсир этишидаги ? зига хос ќусусиятга эга эканлигида, улар ќаётий жараёнларни бошсариб боровчи биологик фаол моддаларнинг (ферментларнинг, гормонларнинг) бевосита таркибига киради. Шунинг учун ќам уларнинг тасчиллиги ёки меъёридан к? плиги ферментлар ёки гормонлар иштирокисиз ? тмайдиган ќасисий кимёвий ? згаришларнинг бузилишига олиб келади. Бу ќолат эса меъёрий физиологик жараёнларнинг (овсат ќазм б? лиши, моддалар алмашинуви, ажралиш, ташси моддалар синтези ва бошсалар) издан чисишига турли-туман касалликларнинг пайдо б? лишига олиб келади. Маъданли моддаларнинг ушбу хусусияти (? зига хослиги ёки спецификлиги) уларнинг таъсир доирасини анча кенгайтириб, у ёки бу элементнинг танада камлиги ёки к? плиги битта маълум касалликни эмас, балки бир сатор хасталикларни часиради. Танада учрайдиган кимёвий элементларнинг яна бир ќусусияти шундаки, улар туфайли тирик организм, унинг барча аъзолари тегишли биоэлектрик фаолликка яъни

биопотенциалларга эга бўлади. Масалан, мия ва нерв хужайралари, юрак, ошсозон-ичак тизими ва мускуллар биотоклари тегишли элементларнинг катионлари ва анионларининг гуруҳланишидан пайдо бўлиб, бу билан улардаги ҳамда бир бутун организмдаги сўзталувчанлик, ўтказувчанлик таъминлаб турилади.

Инсон организмда сарийб барча кимёвий элементлар учрайди, уларни умумий ном билан биоген элементлар деб номлаш сабул силинган. Улардан инсон танасида энг кўп учрайдиганларини макроэлементлар дейилади. Макроэлементлар саторига O, H, C, N, Ca, K, P, Mg, S, Cl, Na ва бошқалар киради. Макроэлементларнинг айримлари (Ca, P) суяклар тизимининг шаклланиши учун, баъзилари (Na) сон ва бошса биологик суюсликлардаги осмотик босимни тегишли меъёрда ушлаб туришда, бошсалари эса (Ca, Mg) мускуллар сиссаришида ҳамда организмда энергия тўпланишида (P) иштирок силади.

Биоген элементлардан 15 таси (Al, Fe, Cu, Mn, Zn, Mo, Co, Ni, Sr, Br, F, B, As) тана массасининг бор йўқлиги 0,01 % ташкил килади, шунинг учун уларни микроэлементлар дейилади. Шундай бўлса-да, улар қайси жараянларнинг кечишида албатта иштирок этиши лозим. Шу билан бир саторда тананинг қар бир аъзоси, ҳар жайра ва тўқималарида биоген элементлар анис бир нисбатда бўлади. Бу нисбатнинг бузилиши эса касалликларга сабаб булади.

Агар у ёки бу элементга тасчиллик сезилганида уларни табиий манбалар, яъни мева-чевалар сабзаёт маҳсулотларини танлаб сабул силишга кўпроқ эътибор силиш керак. Чунки, инсон учун шу маҳсулотлардагина керакли кимёвий моддалар маълум мисдорда ва нисбатда бўлиб, уларни истеъмол силиш билан танамиздаги ҳужайра ва тўқималарни тегишли равишда микро- ва макроэлементлар билан таъминлаш осон кечади. Ўсимлик маҳсулотларини «тирик» ҳолда истеъмол силиш орсали барча кимёвий элементларни етарли мисдорда сабул силамиз.

Маъданли моддаларнинг барчаси спортчилар организми учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бирортаси етишмай қолишдан спортчи организмида жиддий касалликлар юзага келади. Бошқа барча озик моддалари каби маъданли моддаларга нисбатан ҳам спортчи организмнинг талаби анча юқори бўлади. Бу эса спортчиларнинг кун давомида куп микдорда жисмоний машқлар билан шугулланишларига боғлиқ.

Спортчилар учун биринчи навбатда Р каби маъданли моддаларнинг аҳамияти катта. Чунки Р организмдаги асосий энергия манбаси ҳисобланган АТФ таркибига киради. АТФ деганда аденозинтрифосфат кислота тушунилади. Бу кислота организм учун универсал энергия манбаси бўлиб ҳисобланади. Айнан АТФ таркибида фосфор мавжуд. Демак, организмда фосфор етишмаслиги энергия манбасининг камайишига олиб келади.

Маъданли моддалардан кальций (Са) ҳам спортчиларнинг организми учун жуда катта аҳамиятга эга. Са одатда фосфор (Р) билан биргаликда суяклар таркибига киради, кузғалишнинг утқазилишида катнашади, мускуллар фаолиятини нормаллаштириб туради, нерв системасининг ишини стимуллайти ва хоказо. Са етишмаслиги мускулларда, уларнинг фаолиятида узғаришларга сабаб бўлади. Бундан ташқари Са суякларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Шу сабабли Са етишмовчилиги суякларнинг муртлашишига, уларнинг эгилувчан бўлиб қолишига, яъни рахит касаллигига олиб келади. Бу эса спортчиларнинг меъърий ҳаракат қилиш имкониятларини камайтириб юборади. Натижада уларнинг иш қобилияти кескин камайиб кетади.

Маъданли моддалардан темир (Fe) ҳам спортчиларнинг иш қобилиятини оширишда катта аҳамият касб этади. Темир одатда қоннинг таркибидаги гемоглобинда мавжуд бўлади ва у кислород ҳамда карбонат ангидридни ташишда катнашади. Темир етишмаслиги анемия ёки қамқонликка сабаб бўлади. Бу эса спортчи организмнинг жисмоний иш қобилиятини пасайтиради. Одатда спортчилар кун давомида оғир жисмоний

юкламалар бажарганларидан сунг уларнинг организми учун куп микдорда кислород талаб этилади. Бундай куп микдордаги кислородни етказиб бериш учун кон таркибидаги эритроцитлар ва гемоглобин етарли булиши шарт. Камконлик натижасида эса юкорида айтилганидек, гемоглобин камайиб кетади. Натижада спортчиларнинг иш кобилияти пасаяди.

Бошка микро- ва макроэлементлар хам спортчи организмнинг иш кобилиятини ошириш учун зарур. Масалан, магний нерв тукумасидан кузгалишнинг утказилишини яхшилаиди, йод калконсимон без фаолиятини яхшилаиди, рух мия фаолиятини ва рухий фаолиятни такомиллаштириш учун керак, мис кон хосил булишида катнашади ва хоказо. Умуман олганда микро- ёки макроэлементларнинг бирортаси етишмай колиши спортчи организми учун салбий окибатларга олиб келади.

Бошка барча озик моддалар каби спортчиларнинг хам минерал моддаларга булган талаби анча юкори булади. Бундай катта микдордаги талабни кондириш учун кунлик рацион таркиби керакли озик-овкат махсулотларига бой булиши лозим. Шу нарсани алохида таъкидлаб утиш лозимки, бугунги кунда ахоли орасида куплаб таркалган ва кенг микёсда таргиб этилаётган биологик фаол кушимчалар хам айнан минерал моддаларга ва витаминларга бой булади. Биологик фаол кушимчаларни овкат билан кушиб беришдан асл махсад хам кишиларнинг баъзи витаминларга ва минерал моддаларга булган талабини туликрок кондириш ва бунинг натижасида уларнинг иш кобилиятини кутариш, сихат-саломатлигини мустахкамлаш, тетиклигини, бакувватлигини таъминлаш ва бошкалардир. Айнан спортчилар учун хам биологик фаол кушимчаларни кенг равишда куллаш мумкин. Чунки одатда спортчиларнинг витаминлар ва минерал моддаларга булган талаби купчилик холларда кондирилмайди. Шу сабабли спортчиларнинг биологик фаол кушимчаларни имкон кадар хар кун истеъмол килиб туришлари махсадга мувофик булади.

Чет элда ва Россияда олимлар томонидан утказилган тажрибаларнинг натижалари шуни курсатадики, биологик фаол кушимчаларни маълум бир режимга мувофик спортчиларнинг овкатига кушиб бериш уларнинг жисмоний қобилиятларини орттиради. Шу туфайли ҳам спортчилар учун купгина керакли биологик фаол кушимчаларни кунлик рацион билан қабул қилиш тавсия этилмоқда. Бундай биологик фаол моддаларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, улар таркибидаги минерал моддалар ва витаминлар табиий тоза ҳолда бўлади. Яъни улар синтетик препаратлар эмас. Улар сунъий равишда синтезланмаган. Балки табиий маҳсулотлардан энг янги технологиялар асосида олинган. Шу сабабли бундай моддаларнинг таъсир доираси кенг ва уларнинг салбий оқибатлари йук. Спортчилар бундай биологик фаол моддаларни фақат мусобакалардан олдин ёки тренировка жараёнида эмас, балки доимий равишда истеъмол қилиб юришлари мақсадга мувофик.

Купгина тажрибалар шуни курсатадики, витаминларга ва хусусан, минерал моддаларга бой бўлган озик моддаларни, қолаверса, биологик фаол кушимчаларни кунлик рацион билан қабул қилиш спортчиларнинг иш қобилиятини, иш унумдорлигини орттиради. Спортчида чарчаш ҳисси кечроқ пайдо бўлади, тикланиш жараёнлари тезлашади ва хоказо. Бунинг сабаби минерал моддаларнинг организмга курсатадиган ижобий таъсиридадир. Чунки юқорида айтилганидек, витаминлар ва минерал моддалар организмда турли туман фаолиятларни амалга оширишда қатнашади, моддалар алмашинувини тезлаштиради, организм учун муҳим бўлган ферментлар, биологик фаол моддалар таркибига қиради.

Бизнинг шароитимизда спортчиларнинг минерал моддаларга бўлган талабини қондиришда асосий омил бу қуқатлар, пиёзлар, сабзавотлар, янги узилган мевалар ва бошқалардан кенг фойдаланишдир. Бундай маҳсулотлар таркибида минерал моддалар мул бўлади.

Хулоса килиб айтганда минерал моддаларни кунлик рацион билан меъёрида истеъмол килиш спортчиларнинг иш қобилиятини кескин оширади ва уларнинг сихат-саломатлигини яхшилашда, узок умр қуришларини таъминлашда катта аҳамиятга эга.



#### **4. ОРГАНИЗМНИНГ ИШ КОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШ**

##### **ЙУЛЛАРИ**

Организмнинг иш қобилияти ва унинг узига хос жиҳатлари хусусида юқорида керакли маълумотлар айтиб утилди. Юқордагилардан маълум бўладики, организмнинг иш қобилияти бир қатор омилларга боғлиқ экан. Бу омиллар хилма-хил бўлиб, уларга спортчи организмнинг айна вақтдаги ҳолатини, организмнинг функционал хусусиятларини, машқ қилганлик даражасини, шунингдек, спортчининг қайси спорт тури билан шугулланишини, машқ қилиш ҳолатини (яъни тренировка пайти ёки тренировкадан сунгги пайт, тренировканинг қай вақтларда амалга оширилиши ва бошқалар), спортчи организмнинг физиологик резервларини, спортчи яшайдиган иқлимни, об-ҳаво шароитларини, спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари олдида турган муҳим вазифалардан бири спортчиларнинг иш қобилиятини ошириш ва уни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат. Бу борада республикамызда ҳам бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сунгги йилларда шахсан Президентимиз И.А.Каримов томонидан спортни, жумладан, ёшлар спортини ривожлантириш борасида қўрилган ва қўрилаётган саъй-ҳаракатлар, гамхурликлар таҳсинга сазовордир. Спортни ривожлантириш ва унинг турли йўналишлари бўйича етук мутахассисларни тарбиялаб чиқариш барчамизнинг олдимизга асосий вазифа сифатида қўйилгани бу ишнинг янада ривожланишига туртки бўлмоқда.

Спорт ва уни ривожлантириш борасидаги муҳим ва долзарб ишлардан бири уларнинг жисмоний ва қолаверса, ақлий иш қобилиятларини оширишдир. Ана шундагина спортчилардан юксак натижаларни қўтиш мумкин. Аксинча, иш қобилияти паст ёки тез қарчаб қоладиган, бирор жисмоний фаолликни керакли вақт ичида керакли миқдорда бажара

олмайдиган спортчилардан жахон микёсидаги чемпионларни ёки буюк спортчиларни кутиш кулгили ҳолатдир.

Бунинг олдини олиш ва спортчиларни юксак натижаларга эришишларини таъминлаш борасидаги асосий ва муҳим вазифалардан бири спортчиларнинг иш қобилиятини оширишдан иборат. Бунинг учун спортчилар ва уларнинг организмида юзага келадиган узгаришларни мукамал равишда урганиш, спортчиларнинг иш қобилиятини оширадиган ва пасайтирадиган ҳолатларни аниқлаш, уларнинг чидамлилиги, мослашувчанлиги ва бошқа муҳим хусусиятларини илмий нуқтаи назардан урганиш лозим. Бу эса спортчилар билан куплаб тажрибалар утказишни талаб қилади. Худди ана шундай кузатув ва тадқиқот ишларини спортчиларнинг иш қобилиятини, унинг узига хос хусусиятларини урганиш учун ҳам куплаб утказиш мақсадга мувофиқ ва зарурий вазифалардан биридир.

Ушбу муаммони қийинлаштирадиган жиҳатлардан бири шундаки, ҳар бир спортчининг организмидаги индивидуал хусусиятлар ҳам уларнинг иш қобилиятига таъсир қурсатадиган омиллардан биридир. Шунга кура ҳар бир спортчининг иш қобилиятини аниқлашда унинг индивидуал хусусиятларини ҳам урганиш лозим бўлади.

Бунинг устига спортчи яшайдиган иқлим, об-ҳаво шароити ҳам унинг иш қобилиятига кескин таъсир этади. Шу сабабли айнан Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимли шароитида истикомат қиладиган спортчиларнинг иш қобилиятларини шу шароитдан келиб чиққан ҳолда урганиш шарт. Шундагина спортчиларнинг иш қобилиятини ошириш борасида маълум муаффақиятларга эришиш мумкин бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, организмнинг иш қобилияти, хусусан спортчиларнинг иш қобилияти бир қатор омилларга ҳамбарчас боғлиқ. Бу биринчи навбатда организмдаги физиологик узгаришларнинг миқдорий курсаткичи, яъни вегетатив узгаришлар билан белгиланади. Организмда юзага келадиган вегетатив узгаришлар ва курсаткичлар

организмнинг мослашиш икмониятларини канчалик оширса, демак, иш кобилияти ҳам шунча юкори саналади.

Спортчиларнинг иш кобилияти ошган ёки ошмаганлигини билиш спорт ва тиббиёт амалиётида жуда катта ахамиятга эга. Одатда хар бир спорт тугаракларида ёки спорт мактабларида спортчиларнинг саломатлигини назорат килиб турадиган тегишли врач фаолият курсатади. Унинг асосий вазифаларидан бири спортчи организмда юзага келадиган узгаришларни аниклаш ва бу узгаришларнинг организмга курсатадиган салбий ёки ижобий таъсирини аниклашдан иборатдир. Айнан спортчиларнинг иш кобилиятини аниклаш ҳам купинча ана шу врачнинг вазифалар сирасига киритилади. Бундан ташкари купгина мураббийлар врач ёки биолог дипломига эга булишлари ҳам мумкин. Бу эса айти мақсадга мувофик холдир.

Спортчиларнинг иш кобилиятини аниклашнинг бир катор усуллари мавжуд. Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардаги физкультура ва спорт илмий текшириш институтларида купгина олимлар спортчиларнинг иш кобилиятини аниклаш борасида бир катор ишларни амалга оширганлар. Куйида ана шу усуллардан намуна келтирамиз.

Юкорида иш кобилияти тушунчасини турли туман изохлаш мумкинлигини айтиб утган эдик. Шунга мувофик иш кобилиятини ҳам турли курсаткичлар ёрдамида ифодалаган холда аниклаш мумкин. Ана шулардан бири организмда юзага келадиган вегетатив курсаткичларни аниклашдир. Одатда жисмоний машқлар таъсирида хар бир организмда узига хос узгаришлар кузатилади. Бу узгаришлар иш кобилиятига жиддий таъсир курсатади. Яъни организмнинг жисмоний машқлар таъсирига қай тарика жавоб бериши унинг иш кобилиятини белгилайди. Аникроғи, хар қандай жисмоний машқ, у катта ёки кичик, огир ёки енгил булишидан қатъий назар, организмда маълум бир узгаришларни юзага келтиради. Агар организмда юзага келадиган узгаришлар оптимал даражада булса, демак, организмнинг иш кобилияти ҳам меъёрида ёки юкори. Биз айтмокчи булган усул худди ана

шунга асосланган. Яъни бунда жисмоний машк давомида организмда юзага келадиган узгаришларнинг даражасига караб хулоса килинади.

Спортчиларнинг турли машклар таъсирида юзага келадиган жисмоний иш кобилиятини аниклашда Гарвард стоп тести ва  $PWC_{170}$  тестидан фойдаланилади.

Гарвард стоп тестида текширилувчи эркаклар учун 51 см ли, аёллар учун эса 43 см ли зинадан минутига 120 марта кадам ташлаган холда харакат килиниб, чарчаб колгунча ишланади. Бунда ишнинг давомийлиги 5 минутдан ортик булмаслиги лозим. Бу ишнинг давом этиш муддати ва кайтарилиш даври 2 минутининг биринчи ярмида юрак уриш частотаси хисобланади. Иш кобилияти индекси эса куйидаги формула билан улчанади:

$$ISI = \frac{\text{Иш муддати (с) } \times 100}{5 \times \text{пульс сони}}$$

Бу ерда, ISI – иш килиш индекси. Агар ISI 55 дан кам булса, иш килиш кобилияти жуда кам, агар 56 дан 64 гача булса, унда иш килиш кобилияти кам, 65-79 булганида уртача, агар 80-90 булса, иш килиш кобилияти юкори ва 90 дан ошик булганида иш килиш кобилияти жуда юкори хисобланади.

Иккинчи усул юкорида айтилганидек  $PWC_{170}$  (physical Working Capacity) тести хисобланади. Бунда жисмоний иш килиш кобилияти велоэргометрия ёки аник улчанган юклама билан зинадан чикиш асосида кишининг жисмоний иш килиш кобилияти, яъни иш килиш куввати улчанади. Бунда куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M = B \times h \times n \times 1,5$$

Бу ерда, M – иш куввати, B – текширилувчи массаси, h – зина баландлиги, n - бир минутдаги кутарилишлар сони. Бу тест ёрдамида 170 марта юрак уриши кузатилганида иш куввати канча булиши аникланади. Иш куввати канча юкори булса, яъни  $PWC_{170}$  курсаткич канча баланд булса, жисмоний иш килиш кобилияти хам шунча юкори хисобланади. Бу усул

ёрдамида спортчиларнинг иш қобилияти аниқланганида икки марта 5 минутдан 3 минутлик танаффус билан иш қилинади. Бу текширилувчи учун оғир бўлмаслиги, яна юрак уриши бир минутда 170 дан ошмаслиги керак. Хар бир ишнинг охириги 15 секундда юрак уриши ҳисобланади.

$$PWC_{170} = M_1 + (M_2 - M_1) \times 170 \times f_1/f_2 - f_1$$

Бу ерда,  $M_1$  ва  $M_2$  – биринчи ва иккинчи ишнинг қуввати (кгм/мин);  $f_1$  ва  $f_2$  – биринчи ва иккинчи иш охирида юрак уриш сони. Қуйидаги жадвалда спортчилар ва спорт билан шугулланмайдиганларнинг иш қобилиятини  $PWC_{170}$  тести бўйича келтирамиз.

| Текширилувчилар                   | $PWC_{170}$  |          |
|-----------------------------------|--------------|----------|
|                                   | Хотин-қизлар | Эркаклар |
| Спортчиларда                      | 780          | 1520     |
| спорт билан шугулланмайдиганларда | 580          | 1060     |

Спортчиларнинг иш қобилиятини аниқлашда юқорида келтирилгандан ташқари бошқа бир қатор усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шуниси муҳимки, спортчиларнинг иш қобилиятини аниқлаш уларнинг қайси спорт тури билан шугулланишларига боғлиқ. Хар бир спорт тури билан шугулланадиган спортчиларнинг иш қобилияти шу спорт туридан келиб чиққан ҳолда тегишли усуллар ёрдамида аниқланади.

Битирув малакавий ишимиздан келиб чиққан ҳолда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, спортчиларнинг иш қобилиятини ошириш бошқа бир қатор омиллар билан биргаликда овқатланишга ҳам жиддий равишда боғлиқ. Спортчининг қандай ва қанча, қайси вақтда овқатланиши унинг иш қобилиятини белгилаб берадиган асосий омилдир. Жаҳон миқёсида тан олинган хар бир спортчи ҳам, спорт мураббийлари ҳам текширишлар ва амалий тажрибалар натижасида худди шу хулосага келишган. Демак, спортчиларнинг иш қобилиятини оширишда техник воситалардан фойдаланиш ва механик ҳаракатларни ривожлантириш билан биргаликда уларнинг туғри ва оқилона овқатланишларини йўлга қўйиш ҳам муҳимдир.

Бу борадаги ишлар юкорида керакли булимларда айтиб утилди. Юкоридагилардан умумий хулоса килган холда шуни айтиш мумкинки, спортчилар организмида хар бир озик модданинг узига хос урни бор. Хеч бир озик модданинг урнини бошкаси боса олмайди. Бунинг устига спортчилар учун куп микдорда оксиллар, углеводлар, минерал моддалар ва айникса витаминлар талаб этилади. Улардан бирортасининг сурункали равишда ёки хатто киска вақт ичида етишмай колиши организмда жиддий узгаришларга сабюаб булади ва натижада спортчининг иш кобилияти кескин пасайиб кетади. Худди шу холатни бошка ахоли гурухларида ҳам кузатиш мумкин. Жисмоний жихатдан фаол ҳаёт тарзига эга булган хар кандай кишида айтиб утилган озик моддаларнинг кунлик рацион таркибида етарли булиши шарт. Акс холда спортчиларда ҳам бошка ахоли гурухларидаги каби ланжлик, лохаслик, тез чарчаб колиш, кунгил айланиши, бош айланиши, камконлик каби холатлар кузатилади. Спортчилар организмида юзага келадиган жуда куп узгаришларнинг ва турли туман касалликларнинг олдини олишда овкатланиш жуда мухим рол уйнайди.

Умуман олганда спортчилар ва уларнинг (колаверса бошка ахоли гурухларининг ҳам) иш кобилиятини оширишда овкатланиш асосий омил булиб хизмат килади. Шу сабабли спортчилар ва уларнинг окилона овкатланишини ташкил килиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

## ХУЛОСА.

Хар кандай тирик организмнинг хаётида овкатланиш асосий ролни уйнайди ва шу жихатдан олганда овкатланиш организмнинг функционал имкониятларига, унинг фаоллигига, иш қобилиятига жиддий равишда таъсир курсатади. Юқорида биз ушбу фикримизни асослаш учун бир қатор далилларни келтирдик, утказилган тажрибалар ва уларнинг натижаларини қайд қилдик. Ана шу таъкидлаб утилагн фикрларни умумлаштириб, жамлаб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Овкатланиш организмнинг иш қобилияти билан узаро ҳамбарчас боғлиқ. Одамнинг иш қобилиятига жиддий равишда таъсир курсатувчи омиллардан бири бу унинг овкатланиш ҳолатидир.
2. Қунлиқ рацион таркибидаги ҳар бир озиқ модда, жумладан, оқсиллар, витаминлар, углеводлар ва бошқаларнинг қўп ёки кам бўлиши организмнинг иш қобилиятига у ёки бу даражада таъсир курсатади.
3. Одамнинг иш қобилиятига факат овқат таркибидаги асосий ва қўшимча озиқ моддаларнинг қўп ёки камлиги эмас, балки овқатланиш таркибининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, оқилона овқатланиш ҳар бир спорт турига, спортчилар организмнинг функционал ҳолатига мос равишда ташкил қилинмаганлиги ва бошқа омиллар ҳам жиддий суръатда таъсир курсатади.
4. Тўғри ва рационал овқатланишни ташкил этиш орқали спортчиларнинг иш қобилиятини ошириш, қолаверса уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, спортда юксак натижаларга эришишларини таъминлаш мумкин ва аксинча нотўғри овқатланиш спортчиларнинг иш қобилияти пасайишига, уларда чидамлилиқ, чакқонлиқ, тезқорлиқ каби хусусиятларнинг сустайишига, саломатликнинг йўқолишига, спортдаги натижаларнинг кескин тушиб кетишига сабаб бўлади.
5. Бугунги кундаги энг долзарб муаммо спортчиларнинг овқатланишини урганишдир.